



FORMATION OF PERSONAL QUALITIES IN CHILDREN IN INCLUSIVE SCHOOL EDUCATIONAL ORGANIZATIONS

Madina M. Arslanova
 associate professor, PhD
 Kokand University
 Kokand, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: preschool education, inclusive education, children with special educational needs, social environment, family, socialization, personal qualities, educational work.

Received: 06.05.23

Accepted: 08.05.23

Published: 10.05.23

Abstract: The article talks about the pedagogical conditions, technologies and methods of forming children's personal qualities in inclusive preschool education organizations, and analyzes the formation of the child's personal qualities in connection with his socialization and integration into society.

ИНКЛЮЗИВ МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИДА БОЛАЛАРДА ШАХСИЙ ФАЗИЛАТЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Мадина М. Арсланова
 доцент, п.ф.ф.д. (PhD)
 Кўқон Университети
 Кўқон, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: мактабгача таълим, инклюзив таълим, алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар, ижтимоий муҳит, оила, ижтимоийлашув, шахсий фазилатлар, тарбиявий ишлар.

Аннотация: Мақолада инклюзив мактабгача таълим ташкилотларида болаларнинг шахсий фазилатларини шакллантиришнинг педагогик шарт-шароитлари, технологиялари ва методлари ҳақида сўз бориб, боланинг шахсий фазилатларини шакллантириш унинг ижтимоийлашуви ва жамиятга интеграциялашуви билан боғлиқ ҳолда таҳлил этилган.

ФОРМИРОВАНИЕ ЛИЧНОСТНЫХ КАЧЕСТВ У ДЕТЕЙ В ИНКЛЮЗИВНОЙ ШКОЛЕ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ ОРГАНИЗАЦИЙ

Мадина М. Арсланова
 доцент, PhD
 Коканского университета
 Коканд, Узбекистон

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: дошкольное образование, инклюзивное образование, дети с особыми образовательными потребностями, социальная среда, семья, социализация, личностные качества, воспитательная работа.

Аннотация: В статье говорится о педагогических условиях, технологиях и методах формирования личностных качеств детей в организациях инклюзивного дошкольного образования, анализируется формирование личностных качеств ребенка в связи с его социализацией и интеграцией в общество.

КИРИШ

Юртимизда Янги Ўзбекистон ва Учинчи Ренессансни барпо этиш жараёнларида шахс камолотининг илк ва муҳим даврини таълим-тарбия билан қамраб оладиган мактабгача таълим тизимини изчил ривожлантириб бориш давлат сиёсатининг доимий устувор йўналишларидан бирини ташкил этмоқда. Жумладан, “мактабгача таълимдаги қамров даражасини ҳозирги 67 фоиздан камида 80 фоизга етказиш” “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” [1] ҳам алоҳида мақсадлар сифатида белгиланди.

АСОСИЙ ҚИСМ

Замонавий дунёда таълимга умумжамият фаровонлигининг бош омили, инсоннинг асосий ҳуқуқларидан бири ва бошқа ҳуқуқларни таъминлашнинг асоси, шунингдек, тинчлик, бағрикенглик, инсон салоҳиятини рўёбга чиқариш ва барқарор тараққиётнинг муҳим шарти сифатида қаралмоқда. Шунингдек, инклюзив ва сифатли таълимни таъминлаш ва ҳамма учун бутун умри давомида таълим олиш имкониятларини яратиш бугунги кунда бутун дунё танлаган 2030 йилга қадар эришилиши лозим бўлган таълим мақсадларининг бош ғоясини ташкил этади [2]. Юртимизда инклюзив мактабгача ташкилотларини ташкил этиш орқали алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар учун ривожланишининг дастлабки даврлариданоқ жисмоний ва психик ривожланиш хусусиятларига мос ҳолда сифатли таълим-тарбия олишлари учун яратилаётган имкониятлар ана шу мақсадларга мос келади. Ўз навбатида мазкур турдаги таълим ташкилотларида тарбиявий ишларни ташкил этишнинг янги педагогик технологиялари, моделлари ва методларини амалиётга жорий этиш эса мактабгача таълим педагогикаси олдида турган долзарб масалалардан бирини ифода этмоқда.

Инклюзив таълим “барча иштирокчиларнинг эҳтиёжлари турлича эканлигини тан олиш ва бунга эътибор қаратиш жараёни” [3, стр. 6] эканлигидан келиб чиққанда, алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар билан олиб бориладиган тарбиявий ишлар ҳам алоҳида педагогик ва психологик ёндашув талаб этиши табиийдир.

Болада ривожланишининг илк даврлардананоқ жамият томонидан умумэътироф этилган маънавий-ахлоқий меъёрларга мос шахсий фазилатлар асосларини шакллантириш мактабгача таълим тизимидаги тарбиявий ишларнинг асосий йўналишларидан бирини ташкил этади.

Чунки, шахсий фазилатлар асосларининг шаклланиши бола шахси шаклланишининг ажралмас таркибий қисмидир.

Шахсий фазилатлар асосларининг шаклланиши баробарида боланинг босқичма-босқич ижтимоий муҳитларга интеграцияси ва улардаги ижтимоийлашуви фаоллашиб боради. Ўз навбатида мазкур фазилатлар нафақат унинг индивидуал хусусиятларини белгиловчи, балки бошқалар билан муносабатларининг ҳам муҳим мезонларига, омилларига айланади. Ривожланишида нуқсони бўлган болалардаги жисмоний ва психик муаммолар барча психик жараёнлар каби уларда ўзини, ўзлигини англаш жараёнларига ҳам таъсирини ўтказмасдан қолмайди. Болаларга кўрсатиладиган мақсадли ва моҳирона педагогик, психологик кўмакқина ушбу муаммоларни ижобий ҳал этиш имконини беради.

Мактабгача таълим “болаларнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олганда ҳолда умумий педагогик принципларга асосланиб иш кўрар” экан [4, 11 б.] бугунги анънавий ва инклюзив таълимдаги педагогик тамойилларнинг ўзаро уйғунлашиб бориши лозим бўлмоқда.

Мактабгача таълим босқичида болаларда шаклланидиган шахсий фазилатлар рўйхати қаторида инсонпарварлик, ватанпарварлик, ўзига ишонч, ҳурмат, меҳр-оқибат, масъулият, интизом, ҳалоллик, жасурлик, ижобий фикрлаш кабиларни алоҳида таъкидлаш лозим. Бу ва бу каби барча шахсий фазилатларни бирламчи асосларини самарали шакллантириш эса, болалар учун умумий ва индивидуал ишлаб чиқилган таълим-тарбия дастурларининг бола учун нечоғлик қулай ва қизиқарли ишлаб чиқилганлигига боғлиқдир.

Болалар учун шахсий фазилатлар асосларини шакллантириш билан боғлиқ инклюзив таълим дастурлари ва улардаги тавсияларда бундай дастурларнинг бир қатор муҳим жиҳатларга эга бўлиши лозимлигини кўрамиз ва қуйидагиларини алоҳида урғулашни жоиз деб билдик:

Биринчидан, боланинг ижтимоий муҳитга фаол мослашуви, ижтимоийлашуви ва интеграциялашуви учун мактабгача таълим ташкилотлари тарбиявий ишлар дастурларида болада шахсий фазилатлар асосларини шакллантириш масалалари алоҳида ўрин тутмоғи лозим;

Иккинчидан, шахсий фазилатлар асослари имконияти чекланган болаларда фақатгина фаол педагогик ва психологик аралашув натижасижа шаклланади ва истиқболдаги мустақил фаолияти учун уларнинг барчаси муҳим ҳаётий кўнималарни ташкил этади;

Учинчидан, шахсий фазилатлар асосларини шакллантиришда жараён ташаббускори нафақат педагог, балки ўз индивидуал хусусиятлари, қизиқишлари ва эҳтиёжлари асосида боланинг ўзи ҳам бўлиши зарур;

Тўртинчидан, бу борада педагогнинг фаол сайъи ҳаракатлари натижалари болада намоён бўлишининг муҳим шартларидан бири бу оила билан узвий ҳамкорликдир;

Бешинчидан, барча сайъи-ҳаракатларнинг умумий мазмуни ва мақсади болада шахсий фазилатларини шакллантириш асосида мавжуд муҳитга, атрофдаги инсонларга, шарт-

шароитларга, одатларга ва кадриятларга позитив муносабатни шакллантириш ва босқичма-босқич такомиллаштириб боришдан иборатдир.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда куйидаги тавсияларни бериб ўтишни лозим деб билдик:

- инклюзив таълим шароитида ривожланишида нуқсони бўлган болалар тарбияси, хусусан, шахсий фазилатларини шакллантириш масалаларида мактабгача таълим ташкилоти дефектолог-ўқитувчилари, психолог, тарбиячилари, ва ота-оналар учун методик ва оммабоп ўқув-методик қўлланмалар ва тавсияларни жадал ишлаб чиқиш;
- болаларнинг ёш ва ривожланиш хусусиятларига мос ҳолда “Менинг тарбия китобим” номли расмли, безакли қўлланмани тайёрлаш ва чоп этиш;
- мазкур масалада қисқа муддатли ўқув курсларини (онлайн) ташкил этиш;
- Олий таълимда мактабгача таълим йўналишлари ва малака ошириш дастурларида инклюзив тарбия муаммоларига ажратилган мавзуларни кўпайтириш;
- энг яхши методик қўлланмалар, тавсиялар ва тарғибот материаллари учун танлов эълон қилиш шулар жумласидандир.

ХУЛОСА

Хулоса сифатида айтганда, ривожланишида нуқсони бўлган болаларда шахсий фазилатлар асосларининг шаклланиши инклюзив таълим сифатига, натижасига таъсир кўрсатувчи муҳим омил ва мезонлардан биридир. Бевосита ривожланишдаги мавжуд нуқсонларга қарамасдан, умуминсоний ва миллий кадриятлар, юксак инсоний фазилатлар руҳида тарбияланган авлодни камолга етказиш инклюзив таълим орқали инклюзив жамиятга ўтаётган давлатимиз, жамиятимизнинг эзгу мақсадларига мос келади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида. 2022 йил 28 январь, ПФ-60-сон. (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон). www.lex.uz (24.02.2022)
2. Инчхонская декларация - Образование-2030: обеспечение всеобщего инклюзивного и справедливого качественного образования и обучения на протяжении всей жизни. (Электрон ресурс). https://unesdoc.unesco.org/ark:/48223/pf0000233137_rus (25.02.2022)
3. Самсонова Е.В. Модель организации инклюзивного образовательного процесса в детском саду. Инклюзивное образование. Выпуск 4. Методические рекомендации по организации инклюзивного образовательного процесса в детском саду. – Москва: Центр «Школьная книга», 2010. 55 стр.

4. Юсупова П. Мактабгача тарбия педагогикаси. Ўқув қўлланма. Т., “Ўқитувчи”, 1993.148 б.